УДК: 94(575.1)

ЎЗБЕКИСТОНГА ДЕПОРТАЦИЯ ҚИЛИНГАН ХАЛҚ ТАРИХИДАН

С.С.Тўрахўжаев

Мақолада СССР томонидан XX асрнинг 20–40 йилларида амалга оширилган халқлар депортацияси сиёсати тарихининг бир қисми, яъни Ўзбекистон ССРга халқлар депортацияси жараёни ўрганилган. Хусусан, юртимизга Узоқ Шарқ ҳудудидан корейс аҳолисининг кўчирилиши ва ушбу жараёнда давлат томонидан амалга оширилган чора-тадбирлар ҳолати, корейсларни уй-жой, озиқ-овқат ва бошқалар билан таъминлаш ишлари тўғрисида маълумотлар баён этилган.

Калит сўзлар: *депортация, корейс халқи, муҳожир, декрет, уй-жой фонди, колхоз, кўчириш бошқармаси, Фавқулодда Комиссия*.

В статье рассматривается важная часть истории политики депортации народов, проводившейся СССР в 20–40-х годах XX века, а именно процесс депортации народов в Узбекскую ССР. В частности, описывается переселение корейского народа с Дальнего Востока в нашу страну, освещены меры, реализованные государством в этом процессе, приведены данные о работе по обеспечению корейцев жильем, продовольствием, одеждой и др.

Ключевые слова: *депортация, корейский народ, иммигрант, декрет, жилой фонд, колхоз, переселенческое управлени, Чрезвычайная комиссия.*

Кириш

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, барча фанлар каби тарих фанини ва унинг муаммоларини ўрганишга бўлган муносабат ўзгарди. Советлар ҳукмронлиги даврида Ватан тарихининг муҳим ва мураккаб, зиддиятли воқеаларини эркин фикрлаб, холисона талқин этишга рухсат берилмаган. Мустақиллик йилларида эса тарихга янгича ёндашиш, уни архив манбалари асосида чуқур ва қиёсий таҳлиллар билан ўрганиш имконияти юзага келди. Бундай имкониятлардан руҳланган тарихчи олимлар Ўзбекистон тарихининг ажралмас бир бўлаги ҳисобланувчи совет мустамлакачилиги даври тарихини ва унинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маданий жараёнларини ўз ичига олувчи мавзуларни ўрганмоқда. Чунки бу каби мавзулар совет даврида коммунистик партия манфаатларига мос ҳолда ёзилган ва тарихнинг қора доғли саҳифалари юзага келишига сабаб бўлган. Шунинг учун ҳам совет мустамлакачилиги даврига оид Ўзбекистон тарихи ва унинг кўплаб мавзулари тарихийлик тамойиллари асосида қайта ёзилиши керак бўлди.

Совет ҳокимиятининг амалга оширган халқлар депортацияси сиёсати ҳам тарихчилар томонидан ўрганилди ва бу тарихий жараён бир қанча тадқиқотларда баён этилди. Ана шундай илмий тадқиқотлар орқали депортация сиёсатининг кўлами, оқибатлари ва унинг ҳуқуқий асослари, кўчириш жараёнларининг моддий-техника базаси ҳамда кўчирилувчилар учун шарт-шароитларнинг яратилиши каби маълумотлар ҳужжатли манбалар ва архив материаллари ёрдамида очиб берилди [1, 2, 3]. Ушбу мақолада мавзуга оид адабиёт ва манбаларни ўрганиш натижасида советларнинг депортация сиёсати туфайли корейсларнинг юртимизга кўчиб келиши, уларга бошпана, кийим-кечак, озиқ-овқат бериш ишлари, тиббий ёрдам кўрсатиш жараёни ва ўша давр қийинчиликлари ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

Материал ва усуллар

Совет ҳокимияти томонидан XX асрнинг 30–50-йилларида амалга оширилган депортация сиёсати мавзусининг айрим қирралари алоҳида тадқиқотларда акс этган бўлиб, ҳозирга қадар яхлит тарзда илмий ўрганилмаган. Совет даврида халқларнинг депортация қилиниш тарихи XX асрнинг 80–90-йилларидан, яъни тоталитар тузум қулагандан кейин ўрганила

бошланди. Мазкур масала бўйича Россия Федерациясида кўплаб илмий ва публицистик тадқиқотлар олиб борилиб, уларда халқларнинг депортация қилиниши билан боғлиқ масалалар ўрганилди. Жумладан, П.В.Полян, Н.Ф.Бугай, В.Н.Земсковлар томонидан совет давлатининг депортация сиёсати, депортацияга учраган халқлар ва уларнинг сони, махсус кўчирилганларнинг ҳаёти ва қисмати ҳақидаги маълумотлар архив ҳужжатлари ва материаллари ёрдамида ўрганилди [4, 5, 6].

Мустақиллик йилларида ҳам Ўзбекистонга депортация қилинган халқларининг тарихи ва тақдирига бағишланган бир қанча асарлар яратилди. Бу асарларда депортация қилинган корейс, немис, чечен, қрим татарлари ва бошқа халқларнинг тақдири ва қисмати, уларнинг сони, дислокацияси ҳамда меҳнат фаолиятига оид кўплаб маълумотлар тарихийлик тамойиллари асосида баён қилинди. Бу борада Ўзбекистонда корейслар депортацияси тарихига оид салмоқли ишлар юзага келди. Ушбу халқ депортацияси тарихини ўрганишда Р.Т.Шамсутдинов, П.Г.Ким ва А.Раҳмонқуловаларнинг ҳиссалари каттадир [7, 8, 9]. Уларнинг тадқиқотларида юртимизга мажбурий равишда кўчирилган корейсларнинг Ўзбекистон шароитига мослашуви ва республиканинг халқ хўжалиги ва саноат тармоқларида олиб борган меҳнат фаолиятлари тўғрисидаги масалалар ўз ечими ва хулосасига эга бўлди.

Ушбу мақолада қўйилган муаммо тарихийлик, қиёсий-мантиқий таҳлил, кетма-кетлик, холислик тамойиллари асосида ёритилган бўлиб, унда советларнинг депортация сиёсати натижасида 1937 йили Узоқ Шарқ ўлкасининг чегара туманларида яшаётган корейсларнинг Ўзбекистонга кўчирилиши, уларнинг хўжалик фаолияти масалалари ҳамда унинг тарихий аспекти кўрсатиб ўтилган. Мақолада корейс халқининг Ўзбекистонга депортация қилиниш жараёнига оид маълумотлар архив манбалари ва илмий адабиётлар ёрдамида ўрганилди.

Натижа ва муҳокама

Халқларга ва аҳолининг айрим гуруҳларига нисбатан депортация (мажбурий кўчириш) чораларининг қўлланилиши кўплаб мамлакатлар тажрибасида учрайди. Тарихдан маълумки, депортация жараёнлари турли давлатларда ўзига хос сабабларга кўра амалга оширилган. Совет давлати тузумида эса депортация чорасидан миллий можароларни ҳамда давлатнинг миллий масаладаги муаммоларини бартараф этиш мақсадида фойдаланилган. СССРда 60 ортиқ халқлар ва айрим аҳоли гуруҳлари ўзлари яшаб турган жойларидан мамлакатнинг бошқа минтақаларига мажбуран кўчириб юборилган [10. Б. 32]. Совет давлати тарихига оид манбалар халқларнинг депортация қилиниши 1930–1940-йилларда катта ҳажмда амалга оширилганини кўрсатади. Бироқ ушбу жараён анча илгарироқ бошланган эди. Яъни, XX асрнинг 20-йиллари совет тоталитар тузуми шаклланаётган вақтда казаклар, корейслар ва финлар депортация домига тортилганди. Ана шу вақтда депортацияга учраган халқлар манфаатлари ва хоҳиш-иродаси совет ҳокимияти томонидан эътиборга олинмаган ва улар мажбурий равишда кўчирилаверган. Ушбу жараёнга кейинчалик бошқа халқлар ҳам жалб қилинган.

1930–1950-йилларда совет ҳокимияти томонидан турли халқлар Қозоғистон ва Ўзбекистон ҳудудларига кўчириб келтирилган. СССРнинг ушбу минтақаларида мажбуран кўчирилган халқларнинг этник майдони яратилган. 1937 йилда Узоқ Шарқ ўлкасининг чегара туманларида яшовчи корейслар Ўзбекистонга депортация қилинди. Кейинчалик республикага бошқа халқлар, яъни поляклар, чеченлар, ингушлар, болқарлар, қрим татарлари, месхети турклари, курдлар, эроний халқлар мажбуран кўчириб келтирилган. Узоқ Шарқдан чиқариб юборилган корейслар маъмурий тартибда 1945 йилга қадар Ўзбекистонга депортация килинганлар қаторига киритилди. СССРнинг айрим ҳудудларидан депортацияга учраган халқларни Ўзбекистонга жойлаштириш жараёнида улар учун зарур шарт-шароитларни яратиш, хусусан, уй-жой, озиқ-овқат ва иш билан таъминлаш, моддий ва ижтимоий масалаларни ҳал этиш каби муаммолар юзага келди. Депортация қилинган халқларни жойлаштириш ва давлатнинг уларга нисбатан олиб борган ижтимоий сиёсати ўша даврнинг муҳим масалаларидан бири эди.

Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Совети қарорлари ва уларнинг бажарилишига оид архив манбаларида Ўзбекистон ССР ҳудудига корейс аҳолисининг кўчирилиши ва жойлаштирилиши тўғрисида қимматли маълумотлар мавжуд. Большевикларнинг Бутуниттифоқ Коммунистик партияси Марказий Комитети корейсларни депортация қилиш, хусусан, уларни хўжалик, маиший ва меҳнат шароитларига оид

масалаларни бу борада қабул қилинган ҳуқуқий ҳужжатлар орқали, яъни СССР Халқ Комиссарлари Совети ва ВКП(б)нинг 1937 йил 21 августдаги “Узоқ Шарқ ўлкасининг чегара туманларидан корейсларни кўчириш тўғрисида”ги декрети ва 1937 йил 16 сентябрдаги “Узоқ Шарқнинг чегара районларидан корейс аҳолисини сургун қилиш тўғрисида”ги қарорлари асосида ҳал этди [11. Б. 1–7]. Мана шу қарорлар орқали республикага депортация қилинган 6000 нафар корейс оилалари Янги Чирчиқ, Ўрта Чирчиқ, Гурлан, Икромов туманларидаги гуруч, ғалла ва сабзавотчиликка ихтисослашган жамоа хўжаликларига жойлаштирилиши, кўчириб келтирилган корейсларга ушбу туманлардаги мавжуд бинолар ва улар етишмаган тақдирда, уй-жой фондини сафарбар қилиш орқали бинолар берилиши бўйича топшириқлар берилган. Шу билан бирга, Совет Иттифоқи раҳбарияти Ўзбекистон ССРнинг Соғлиқни сақлаш, Маориф, Қишлоқ хўжалиги, Молия халқ комиссарликларига кўчирилаётган корейс аҳолисига хизмат кўрсатиш юзасидан мажбуриятлар юклайди. Масалан, Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш халқ комиссарлигига қисқа вақт ичида корейслар кўчирилаётган ҳудудларда биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш пунктларини ташкил этиш ва уларга тиббий ёрдам кўрсатишда тиббиёт ходимларини дори-дармон билан таъминлаш бўйича вазифалар беради [1. Б. 3].

Ўзбекистон миллий архиви фондида сақланаётган маълумотлар, яъни Ўзбекистон ХКСнинг кўчирилиб келтирилган корейсларни жойлаштириш ва корейс хўжаликларини ташкил этиш ҳақидаги йиғилишларининг ҳисобот ва маълумотномалари ушбу мавзуни чуқурроқ ўрганишга хизмат қилади. Ўзбекистон Халқ Комиссарлари Совети ҳузурида Узоқ Шарқ ўлкасининг чегара ҳудудларидан кўчирилган корейсларга хизмат кўрсатиш масалалари бўйича комиссия ташкил этилган. Комиссия кўрсатмаси билан республиканинг барча муассаса-ташкилотлари ва ишчилари кўчириш ишларига жалб қилинган. Бу комиссия барча халқ комиссарликлари ва унинг бўлимлари устидан Ўзбекистон ХКСнинг Фавқулоддда Комиссияси буйруқларини бажаришини талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлган.

Ўзбекистон ССРга мажбуран кўчириб келтирилган корейслар тўғрисидаги архив ҳужжатларидаги маълумотларга кўра, республикага 1937 йил 4 ноябрда 10698 нафар, 8 ноябрда эса 5392 нафар корейс хўжаликлари депортация қилинган. 1937 йил 13 ноябргача Ўзбекистон ССР вилоятлари ва шаҳарларига жами 16307 та корейс хўжалиги ва 74500 нафар корейс фуқаролари мажбуран кўчирилиб келтирилган [12. Б. 44–45]. Кўчирилган корейслар учун бир қатор совхозлар ва хўжаликларни тугатиш ҳисобига суғориладиган ер массивлари ажратилган. Кўрилган чора-тадбирлар натижасида Ўзбекистон ССРнинг 44 туманига корейслар кўчириб олиб келинган. Ўзбекистон Компартияси (б) Марказий Қўмитасининг 1938 йил март ойидаги “Ўзбекистон ССРда корейслар кўчирилувчи колхозларни иқтисодий ва ташкилий жиҳатдан мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида кўрсатилишича, 1938 йили колхозлар таркибида 9373 та ва мустақил 34 та корейс колхозлари ташкил этилади. Ва шулардан 4790 та корейс хўжалигига 12366 гектар ер ажратиб берилади [13. Б. 1–5]. Шу ўринда айтиш мумкинки, корейсларнинг янги иқлим ва ерларга мослашиши, иш билан таъминланиши, хусусан, илгари ишламаган соҳаларда фаолият кўрсатиши жуда қийинчилик билан амалга оширилган. Ўзбекистон ХКСнинг 1938 йил 17 июлда қабул қилган “Кўчирилган корейсларни жойлаштириш ва бу соҳадаги зараркунандалик оқибатларини тугатиш чоралари тўғрисида”ги қарори 1938 йилда амалга оширилиши керак бўлган чора-тадбирларга мўлжалланган бўлиб, унда корейсларни жойлаштириш билан шуғулланувчи ташкилотлар ва халқ комиссарликларига тез фурсатларда кўчириб келтирилган корейсларни ишга жойлаштириш учун барча зарур кўрсатмалар белгилаб берилган эди. [14. Б. 23–28]. Ушбу қарорда мигрантлардан ташкил топган ва кўчиб келганларни қабул қилувчи колхозлар давлат томонидан юклатилган мажбуриятлардан, хусусан, сут, сариёғ, соя, зиғир, ғалла, шоли, кунгабоқар, гўшт, картошка ва жун маҳсулотларини етказиб беришдан озод қилиниши ҳам белгилаб қўйилган. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Халқ Комиссарлари Совети қарорларининг барча бандларида кўчирилган корейс аҳолисини қабул қилиш, жойлаштириш ва уларга хизмат кўрсатиш борасидаги амалга оширилиши керак бўлган чора-тадбирларни белгилаб берилган. Аммо ушбу қарорлар бандларининг бажарилиши реал бўлмаган.

Ўзбекистон ХКС ва Ўзбекистон Компартияси МКнинг 1937 йил 25 ноябрда 1810/2730-сонли "Кўчирилган корейсларга маориф йўналиши бўйича хизмат кўрсатиш чоралари тўғрисида"ги қарори қабул қилинган. Қарорда кўчирилиб келтирилган корейсларнинг 21986

нафар болалари ўқитилиши бўйича ўқув режаси тасдиқланган. Мазкур қарорга кўра, депортация қилинган корейсларни ўқитиш ва мактабларни жиҳозлаш учун 1937 йилнинг IV чорагида 2 млн. 53,2 минг сўм миқдоридаги харажатлар тақсимоти белгиланди. Жумладан, 360 минг сўм маблағ мактабларни капитал ремонт қилиш ва айрим биноларни мактаб ҳолатига келтириш учун сарфланиши кўзда тутилган [15. Б. 16–17]. ЎзССР Маориф халқ комиссарлиги марказий аппарати корейсларга хизмат кўрсатишни янада яхшилаш мақсадида Хўжайли, Қўнғирот, Гурлан, Паст-Дарғом, Мирзачўл, Бекабод, Янги Чирчиқ, Ўрта Чирчик, Чиноз туманларидаги умумтаълим мактаблари бошқармасида 1 нафар методист, мактаб раҳбариятига 1 нафар инспектор, бошланғич мактабларга 1 нафар корейс тили ўқитувчиси лавозимларини жорий этган. Архив маълумотларида СССР Халқ Комиссарлари Совети 1938 йил 26 мартдаги қарори билан Ўзбекистонга корейслар кўчирилган ҳудудларда мактаблар қуриш ва таълим хизматини яхшилаш учун 6 миллион сўм маблағ ажратгани қайд этилган. Бу вақтда Маориф халқ комиссарлиги томонидан 16 та янги мактаб қуриш учун ер фондидан участкалар ажратиш, уларни лойиҳалаштириш ва харажатлар тақсимоти белгилаб олинди. Шунингдек, ушбу комиссарлик кўчириб келтирилган корейсларга 1938 йил 2-чорак учун мактаб қурилишига 360 минг сўм маблағ ажратиш режасини ишлаб чиқди [16. Б. 20]. Амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида кўчирилган корейс аҳолиси учун 90 та бошланғич, 30 та тўлиқсиз ўрта, 9 та ўрта мактаб ташкил қилинди ва ушбу муассасаларда 11707 нафар корейс болалари ўқитилди. Бундан ташқари, республикада жойлашган рус мактабларига ҳам 1576 нафар корейс болалари қамраб олиниб таълим берилди. Янги ташкил этилган корейс мактабларида 559 нафар корейс миллатига мансуб ўқитувчилар фаолият олиб борган [16. Б. 48].

Кўчиб келган корейс аҳолиси орасида кўплаб талабалар ҳам бор эди. Маориф халқ комиссарлиги томонидан улар турли ўқув юртларига – талабаларнинг 1 нафари Тошкент саноат институтига, 4 нафари Тошкент давлат педагогика институтига, 8–10 нафари Наманган педагогика билим юртига, 12–30 нафари Ўрта Осиё давлат университетига ва 12–46 нафари эса Самарқанд педагогика билим юртига, ҳаммаси бўлиб 103 нафар корейс талабалари олий таълим муассасаларига жойлаштирилган [17. Б. 125]. Корейс мактабларини инвентар ва жиҳозлар билан таъминлаш учун Ўзбекистон ССР Маориф халқ комиссарлиги корейслар қўним топган ҳудудлардаги мактабларга 4557 та парта, 200 та доска, 157 та ўқитувчилар столи, 93 та шкаф жўнатган, яъни 370,2 минг сўм миқдордаги жиҳозларни етказиб берган [18. Б. 22].

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш халқ комиссарлигининг кўчириб келтирилган корейсларга хизмат кўрсатиш ишлари ҳолатига оид архив маълумотлари ўрганилганда қуйидагилар маълум бўлди. Соғлиқни сақлаш халқ комиссарлиги томонидан депортация қилинган корейс аҳолисига хизмат кўрсатишнинг даволаш-профилактик тармоғи ташкил этилиши туфайли 1937 йил октябрь-ноябрь ойларида корейслар учун янги 65 та қўшимча шифохона ётоқлари, 3 та тиббий врачлик ва 9 та фельдшерлик пунктлари ташкил этилган [19. Б. 11]. 1938 йилда эса корейсларга хизмат кўрсатиш учун 95 ўринли 5 та касалхона, 4 врачлик ва 10 та фельдшерлик пунктлари қуриб ишга туширилган. Бу касалхона ва пунктларга ишлаш учун Соғлиқни сақлаш халқ комиссарлиги топшириғи билан 10 нафар врач ва 28 нафар кичик ходим юборилган [20. Б. 89]. Шунингдек, ушбу комиссарлик томонидан кўчирилган корейсларни чечакка қарши умумий эмлаш, уларни 2–3 баробар санитаризация қилиш ва безгак касаллиги тарқалган ҳудудларда дезинфекция ишлари ҳам амалга оширилган. Бироқ кўчирилган аҳолига тиббий-санитария хизмати кўрсатиш ишларида ҳам айрим камчиликлар бор эди. Камчиликлар санитария-тиббий хизмат кўрсатиш ҳолатининг қониқарсизлиги, дори-дармонлар, тиббий асбоб-ускуналар ва ётоқхона анжомлари етишмаслиги, тиббий муассасаларнинг малакали тиббий ходимлар билан тўла таъминланмаганлиги, янги ишга туширилган тиббиёт ташкилотлари ва болалар боғчаларининг аҳволи ёмонлиги, тиббиёт муассасалари қурилишининг қониқарсиз ҳолатда эканлигида кўринади, туман ижроия қўмиталари эса бу камчиликларни бартараф қилишга етарли эътибор бермаган.

Юқорида келтирилган архив маълумотларини ўрганиш орқали шуни айтиш мумкинки, Ўзбекистон ССР ҳукумати томонидан тайёр уй-жойларни қайта таъмирлаш ва янгиларини қуриш йўли билан корейсларни уй-жой билан таъминлаш, уларга таълим ва тиббий соҳада хизмат кўрсатиш ишлари қониқарли даражада

амалга оширилган. Шу билан бир қаторда, корейслар кўчирилиб келтирилган колхозларга озиқ-овқат фондидан истеъмол маҳсулотларини етказиб бериш ва уларга ажратилган суғориладиган ерларни ўзлаштириш учун молиялаштириш ишлари самарали ташкил қилинган. Республикага кўчиб келган корейсларни жойлаштириш ишлари давлат ва республика ҳокимияти органлари томонидан имконият даражасида амалга оширилди, аммо корейс аҳолисига хизмат кўрсатиш юзасидан чиқарилган буйруқ ва қарорлар ижроси билан боғлиқ айрим камчиликлар аниқланганлигини айтиш мумкин. Чунки ана шу қарорлар қабул қилинишида корейсларнинг реал ҳолати умуман ҳисобга олинмаган ва улар ўз вақтида бажарилмаган ёки қисман бажарилган эди.

Ўзбекистон ХКСнинг 1939 йил 7 ноябрда “Кўчирилган корейс хўжаликларини ташкил этиш чоралари тўғрисида” қабул қилган қарори асосида республика ҳудудида “Кўчириш бошқармаси” ташкил этилган [3. Б. 20]. Ушбу бошқарманинг архивида Узоқ Шарқ ўлкасидан корейс хўжаликларини кўчириш билан боғлиқ ҳисоб-китоблар ва хўжалик юритиш бўйича чора-тадбирларнинг амалга оширилиши тўғрисида ҳисобот, маълумот ва билдиришнома каби ҳужжатлар мавжуд. Мазкур архив ҳужжатларидан 1937 йилдан то 1940 йилгача корейсларнинг депортациясига оид бўлган қимматли маълумотлар мавжуд бўлиб, улар орқали корейс хўжаликларининг кўчирилиши, тиббий-санитария ишлари ташкил этилиши, кўчирилган корейс хўжаликлари учун уй-жой ва мактаблар қурилиши, қурилиш ишларига материаллар ажратиш ва таъмирлаш ишлари билан боғлиқ ҳисоб-китоблар, имтиёзли озиқ-овқат масалалари ҳақида маълумотга эга бўлиш мумкин. Архив ҳужжатларининг бирида республика ҳукумати томонидан кўчириб келтирилган корейс хўжаликларини жойлаштириш ва хўжалик фаолиятини тартибга солиш мақсадида 19 млн. 137,6 минг сўм маблағ ажратилганлиги қайд этилган. Шундан колхозларда уй-жой қурилишига 14 млн. 34,8 минг сўм, ишчи ва хизматчиларга 387,9 минг сўм, балиқчилик колхозлари учун балиқ овлаш ускуналарини сотиб олиш ва автопарк қуришга 304,7 минг сўм, колхозларни суғориш ишларига 1 млн. 696 минг сўм, чорвачилик колхозларига 1 млн. 577,8 минг сўм ҳамда колхозларда ишлайдиган ишчилар учун 200 сўмдан 1 минг сўмгача миқдорда тақсимланган [21. Б. 109].

Ҳукумат ва маҳаллий ҳокимият органлари ижтимоий сиёсатда ижобий ҳаракатларни амалга ошириш билан бир қаторда айрим хато ва камчиликларга йўл қўйганини айтиш лозим. Масалан, корейслар жойлашган айрим ҳудудларда мактаблар қуришда ўқувчилар сони ҳисобга олинмаган. Ёки корейс колхозларига берилиши керак бўлган 1000 бош иш ҳайвонидан 1938 йил 15 августгача бор йўғи 76 та от жойларга етказилган [22. Б. 107]. Натижада 1938 йилда Совет ҳукумати раҳбарияти корейсларни кўчириш вақтидаги молиялаштириш ва кредитлаш жараёнида йўл қўйган хато ва камчиликларини тўғрилаш учун республика ҳукуматига 1939 йил охирига қадар вақт берган. Кейинги йилларда мана шундай хатолар тўғриланганини архив ҳужжатларида келтирилган маълумотлар тасдиқлайди. Шунингдек, Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалиги халқ комиссарлигининг 1937–1945-йилларда қабул қилган қарорлари ва кўчириш бўлимининг йиллик ҳисоботларида Тошкент вилоятига корейсларни кўчириш ва хўжалигини ташкил этиш самарали кечганлиги, корейс хўжаликларига озиқ-овқат ва техникалар ажратилганлиги, хусусан, РСФСРнинг Дмитров номли колхозидаги корейс хўжалиги Тошкент вилоятининг Янги Чирчиқ туманига кўчирилиб ва улар шоли экиладиган ҳудудга жойлаштирилганлиги [23. Б. 62] баён этилган бўлиб, улар орқали юқорида айтилган кўчириш жараёнидаги камчиликлар бартараф этилганини кўриш мумкин.

СССР ХКСнинг 1945 йил 8 январдаги 35-сонли "Махсус кўчирилганларнинг ҳуқуқий мақоми тўғрисида"ги қарорида махсус кўчирилган халқларнинг мажбурий меҳнати ва эркин ҳаракатланиши чекланганлиги кўрсатиб ўтилган [24. Б. 331]. Депортация қилинган корейслар маъмурий жиҳатдан кўчирилган деб ҳисобланса-да, бу фармон уларга ҳам тегишли бўлди. 1945 йил 2 июлда Л.Берия буйруғи билан депортация қилинган корейслар махсус кўчирилганлар сифатида расман рўйхатга олинган. Кўчириб келтирилган корейслар жойлаштирилган туманларда НКВДнинг маҳаллий бошқарма бўлими, турар-жой бошқармаси қошида эса корейсларга хизмат кўрсатиш бўлими ташкил этилди.

Шундай қилиб, 1930–1950-йилларда совет ҳокимияти томонидан депортация қилинган халқларнинг аксарияти Ўзбекистон ҳудудига мажбурий равишда жойлаштирилган. Шу билан бир қаторда Ўзбекистонга иккинчи жаҳон

урушининг дастлабки йилларида фашистлар томонидан оккупация қилинган Россия, Украина, Белоруссия ҳудудларидан заводлар, фабрикалар, илмий-тадқиқот муассасалари, олий ўқув юртлари, кутубхоналар ва бошқа ташкилотлар эвакуация қилинган. Ўзбекистонга кўчирилган ана шу ташкилотлар асосий ходимлари билан биргаликда жойлаштирилган. Иккинчи жаҳон уруши йилларида республика ўзининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши жиҳатидан СССР давлатлари ичида охирги ўринлардан бирида бўлишига қарамай, Ўзбекистон ҳукумати кўчириб келтирилганларни қабул қилиш ва жойлаштириш ишларини имкон даражасида амалга оширган. Ўзбек халқининг бағрикенглиги, меҳмондўстлиги, байналмилал тарбияси уруш йилларида, айниқса, эвакуация қилинганларни қабул қилиш ишларида яққол намоён бўлди.

Хулоса

Халқларга ва аҳолининг айрим гуруҳларига нисбатан қўлланилган депортация сиёсати Сталин ва унинг тоталитар тузумдаги ҳокимиятини мустаҳкамлашга хизмат қилди. 1930–1950-йилларда амалга оширилган ушбу сиёсат натижасида кўплаб халқлар доимий истиқомат жойларидан айрилди, муҳтожлик ва қийинчиликларга юз тутди ҳамда уларнинг маданияти ва хўжалигига зарар етказилди. СССРдаги мана шу сиёсий жараёнларга ҳамма собиқ совет республикалари қатори Ўзбекистон ҳам тортилди. Архив маълумотлари гувоҳлик беришича, 1937–1953 йиллари юртимизга корейслар, поляклар, немислар, чеченлар, курдлар, қрим татарлари, греклар, қалмиқлар, арманлар ва бошқа миллат вакиллари кўчирилган. Хуллас, Ўзбекистонга кўчирилган халқларнинг кейинги тақдири ўзбек халқи орасида кечди. Маҳаллий аҳоли оғир шароитда бўлишига ва моддий имкониятлари чекланганлигига қарамай, кўчирилган халқларнинг оғир қисматини енгиллаштиришга ҳаракат қилган. Бундай ҳолат корейс халқининг Ўзбекистонга кўчирилиши ва мослашуви вақтида ҳам кўзга ташланган. Ҳукумат ва маҳаллий ҳокимият органлари кўчирилиб келтирилган корейсларни уй-жой билан таъминлаш, жамоа хўжалигидаги муаммоларини бартараф этиш ва уларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш бўйича кўплаб чора-тадбирларни амалга оширган. Аммо бу чора-тадбирлар, ҳукумат қарорларида кўрсатилган кўрсатмалар кўчирилган корейсларнинг ҳамма аҳолисини қамраб олмаган ва уларнинг эҳтиёжини тўла бажариш имконини бермаган. Шунга қарамай, ўзбек халқининг бағрикенглиги, оғир синовли йилларда корейс халқига нисбатан дўстона муносабатда бўлиши Ўзбекистон диёри корейс халқининг ватанига айланишига сабаб бўлди.

Адабиётлар:

1. *Рахманкулова А.Х*. Документы ЦГА РУз по истории депортации народов в Узбекистан в 1930-е годы (на примере корейцев). [Электронный ресурс]. URL: http:// www.world.lib.ru 2004. (Дата обращения: 16.03.2022)

2. *Джумашев А*. К истории депортации дальневосточных корейцев в Каракалпакстан (1937-1938гг.). // Известие корееведения Казахстана, 2002. Вып. 9. – С. 19–23.

3. *Муртазаева Р.Ҳ*. Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар ва бағрикенглик. – Тошкент: Университет, 2007. – 184 б.

4. *Бугай Н.Ф*. Выселение советских корейцев с Дальнего Востока // Вопросы истории, 1994. – № 5. – С. 141–148.

5. *Земсков В.Н*. Об учете спецконтингента НКВД во Всесоюзных переписях населения 1937 и 1939 гг. // Социологические исследования, 1991. – № 2. – С. 74–75.

6. *Полян П.В*. “НЕ ПО СВОЕЙ ВОЛЕ..” История и география принудительных миграций в СССР. – Москва: Мемориал, 2001. – 328 с.

7. *Ким П.Г*. Корейцы Республики Узбекистан: История и современность. – Ташкент: Узбекистан, 1993. – 176 с.

8. *Шамсутдинов Р.Т*. Қишлоқ фожеаси: жамоалаштириш, қулоқлаштириш, сургун (Ўрта Осиё республикалари мисолида) – Тошкент: Шарқ, 2003. – 544 б.

9. *Рахманкулова А.Х* Архивные материалы по истории обустройства переселенных корейцев в Узбекистане. [Электронный ресурс]. URL: http://www.world.lib.ru 2005. (Дата обращения: 24.05.2022).

10. *Раҳмонқулова А.Х*. Ўзбекистонга кўчирилган греклар. // Қонун ҳимоясида, 2003. – № 3. – Б. 32–34.

11. Ўзбекистон Миллий архиви (Ўз МА), Р-837-фонд, 32-рўйхат, 587-иш, 1-7-варақлар

12. *Юлдашева Д.У*. Ўзбекистонга депортация қилинган халқлар ва уларнинг тарихий тақдири (1937–1956 йиллар): Магистр даражасини олиш учун ёзган диссертацияси. – Андижон, 2015. – 75 б.
13. Ўз МА, Р-90-фонд, 8-рўйхат, 4466-иш, 1–5-варақлар.
14. Ўз МА, Р-837- фонд, 32-рўйхат, 589-иш, 23–28-варақлар
15. Ўз МА, Р-837-фонд, 32-рўйхат, 589-иш, 16–17-варақлар
16. Ўз МА, Р-837 фонд, 32-рўйхат, 1226-иш, 20-варақ.
17. *Ким П.Г*. Корейцы Республики Узбекистан: История и современность. – Ташкент: Узбекистан, 1993. – 176 с
18.Ўз МА, Р-837 фонд, 32-рўйхат, 1224-иш, 22-варақ.
19.Ўз МА, Р-837 фонд, 32-рўйхат, 593-иш, 11-варақ.
20. *Ким В.Д*. Правда полвека спустя. – Ташкент, 1999. – 162 с.
21. *Гентшке В.Л*. Депортация народов в период советского тоталитаризма-гуманитарная катастрофа для общества. // ЎзМУ хабарлари, 2000. – № 4. – Б. 20–24.
22. *Раҳмонқулова А.Х*. XX асрнинг 30–40-йилларида Фарғона вилоятига зўрлик билан кўчирилган халқлар тарихидан. // “Фарғона водийси тарихи янги тадқиқотларда” мавзусидаги иккинчи республика илмий анжумани. – Фарғона, 2012. – Б.331–334.
23. Ўз МА, Р-90 фонд, 8-рўйхат, 4469-иш, 62-варақ.
24. *Ҳошимова М*. XX асрнинг 30-йилларида Марказий Осиёга сургун қилинган корейслар тарихшунослигидан. // “Ўзбекистонда совет давлатининг қатағон сиёсати: келиб чиқиши сабаблари ва фожиали оқибатлари”. Илмий мақолалар тўплами. – Тошкент, 2012. – Б. 107–112.

FROM THE HISTORY OF THE PEOPLE DEPORTED TO UZBEKISTAN

S.S.Torakho‘jaev[1]

Ilmiy xabarnoma. Seriya: Gumanitar tadqiqotlar – Scientific Bulletin. Series: Humanitarian Studies. 2022. 5 (61). 41-48.

[1]Andijan State University, Andijan, 170100, str. University, 129 (Uzbekistan). E-mail: agsu_info@edu.uz

Keywords: deportation, Korean people, immigrant, decree, housing fund, collective farm, resettlement office, Emergency Commission

In this article, a part of the history of the policy of deportation of peoples carried out by the USSR in the 20s-40s of the 20th century, that is, the process of deportation of peoples to the Uzbek SSR, its causes and problems, was analyzed with the help of archival sources and scientific literature. During the study of the historical causes and consequences of such a deportation policy of the Soviet state, the opinions about the deportation of the Korean people from the Far East to the Uzbekistan SSR and the measures taken by the state to receive them became the main topic of this article and were described on the basis of the principles of historicity. In the 1930s and 1950s, various peoples were relocated to Siberia, Central Asia, and Kazakhstan by the Soviet authorities. In these regions of the USSR, including the Uzbek SSR, the ethnic space of displaced peoples was forcibly created. In 1937, Koreans from the Far East were forcibly resettled in Uzbekistan. In the following years, other peoples - Poles, Chechens, Ingush, Bulgarians, Crimean Tatars, Meskheti Turks, Kurds, Iranians - were deported. Koreans expelled from the Far East were included in the administrative order until 1945 among those deported to Uzbekistan. Many archival sources on the decisions of the Council of People's Commissars of the Uzbek SSR and their implementation contain valuable information about the resettlement and resettlement of the Korean people on the territory of the Uzbek SSR. With the help of these archival sources, the information about the work and economic training of Koreans deported to our country, as well as the assistance provided to them in the fields of education and medicine, was discussed. Due to the study of sources related to the topic, in the course of resettlement of deported peoples, new collective farms were established in a number of regions of our republic, and Koreans were settled on unexploited lands, and with their help, the construction of agricultural fields on these lands, as well as the care shown by our hospitable people to the immigrants, were objectively resolved. While implementing the deportation policy, the Soviet authorities faced certain difficulties and problems during the resettlement of the peoples, these measures were not well organized, i.e. the housing, food, clothing and other provision of the resettled Korean people to our country was unsatisfactory. Can be said. In addition, it was also studied that our people, who saw the immigrants, were not indifferent to their fate and shared their sustenance with the representatives of the immigrants, despite the fact that they themselves faced suffering and difficult times.

References:

1. Rahmankulova, A.H. (2004) Dokumenty CGA RUz po istorii deportacii narodov v Uzbekistan v 1930-e gody (na primere korejcev [Documents of the Central State Archive of the Republic of Uzbekistan on the history of the deportation of peoples to Uzbekistan in the 1930s (on the example of Koreans]. [Online]. URL: http://www.world.lib.ru// (Date of access: 16.03.2022

2. Djumashev, A. (2002 K istorii deportacii dal'nevostochnyh korejcev v Karakalpakstan (1937-1938gg. [On the history of the deportation of Far Eastern Koreans to Karakalpakstan (1937-1938]. *Izvestie koreevedeniya Kazahstana*. Issue 9. Pp. 19-23.

3. Murtazaeva, R.H. (2007 *O‘zbekistonda millatlararo munosabatlar va bag‘rikenglik* [Interethnic relations and tolerance in Uzbekistan]. Tashkent: University.

4. Bugaj, N.F. (1994 Vyselenie sovetskih korejcev s Dal'nego Vostoka [Eviction of Soviet Koreans from the Far East]. *Voprosy istorii*. No. 5. Pp. 141-148.

5. Zemskov, V.N. (1991 Ob uchete speckontingenta NKVD vo Vsesoyuznyh perepisyah naseleniya 1937 i 1939 gg. On the registration of the special contingent of the NKVD in the All-Union censuses of 1937 and 1939]. *Sociologicheskie issledovaniya*. No 2. Pp. 74-75.

6. Polyan, P.V. (2001 “NE PO SVOEJ VOLE.” Istoriya i geografiya prinuditel'nyh migracij v SSSR. [‘NOT OF YOUR OWN WILL’. History and geography of forced migrations in the USSR]. Moscow: Memorial.

7. Kim, P.G. (1993 *Korejcy Respubliki Uzbekistan: Istoriya i sovremennost'* [Koreans of the Republic of Uzbekistan: History and Modernity]. Tashkent: Uzbekistan.

8. Shamsutdinov, R.T. (2003 *Qishloq fojeasi: jamoalashtirish, quloqlashtirish, surgun* (O‘rta Osiyo respublikalari misolida [The tragedy of the village: collectivization, exile, exile (in the case of the Central Asian republics] Tashkent: Shark.

9. Rahmankulova, A.H (2005 Arhivnye materialy po istorii obustrojstva pereselennyh korejcev v Uzbekistane [Archival materials on the history of settlement of resettled Koreans in Uzbekistan]. [Online]. URL: http://www.world.lib.ru 2005. (Date of access: 24.05.2022)

10. O‘zbekiston Milliy Arxivi (O‘zMA) [National archive of Uzbekistan. (NA of Uz)]. Fund R-837, List-32, Folding Volume-587, sheets 1-7.

11. Rahmonqulova, A.H. (2003) Deportatsiya va uning sabablari [Deportation and its causes]. *Jamiyat va boshqaruv*. No. 2. Pp. 63-65.

12. Yuldasheva, D.U. (2015)O‘zbekistonga deportatsiya qilingan xalqlar va ularning tarixiy taqdiri (1937-1956 yillar. [Peoples deported to Uzbekistan and their historical fate (1937-1956]. Dissertation written for Master's degree. Andijon.

13. NA of Uz. Fund R-90, List-8, Folding Volume-4466, sheets 1-5.

14. NA of Uz. Fund R-837, List-32, Folding Volume-589, sheets 23-28.

15. NA of Uz. Fund R-837, List-32, Folding Volume-589, sheets 16-17.

16. NA of Uz. Fund R-837, List-32, Folding Volume-1226, sheets-20.

17. Kim, P.G. (1993) *Korejcy Respubliki Uzbekistan: Istoriya i sovremennost'* [Koreans of the Republic of Uzbekistan History and Modernity]. Tashkent: Uzbekistan.

18. NA of Uz. Fund R-837, List-32, Folding Volume-1224, sheets-22.

19. NA of Uz. Fund R-837, List-32, Folding Volume-593, sheets-11.

20. Kim, V.D. (1999) Pravda polveka spustya [Indeed, half a century later]. Tashkent.

21. Gentshke,V.L. (2000) Deportatsiya narodov v period sovetskogo totalitarizma-gumanitarnaya katastrofa dlya obshchestva [The deportation of peoples during the period of Soviet totalitarianism is a humanitarian catastrophe for society]. *O‘zMU xabarlari*. No.4. Pp. 20-24.

22. Rahmonqulova, A.H. (2012) XX asrning 30-40-yillarida Farg‘ona viloyatiga zo‘rlik bilan ko‘chirilgan xalqlar tarixidan [From the history of peoples forcibly relocated to Ferghana region in the 30s and 40s of the 20th century]. In: ‘Farg‘ona vodiysi tarixi yangi tadqiqotlarda’ [‘History of the Fergana Valley in new researches’]. Materials of the republican scientific conference. Ferghana. Pp.331-334.

23. NA of Uz. Fund R-90, List-8, Folding Volume-4469, sheets-62.

24. Hoshimova, M. (2012) XX asrning 30-yillarida Markaziy Osiyoga surgun qilingan koreyslar tarixshunosligidan [From the historiography of Koreans exiled to Central Asia in the 30s of the 20th century]. In: ‘O‘zbekistonda sovet davlatining qatag‘on siyosati: kelib chiqishi sabablari va fojeali oqibatlari’ [‘Repressive policy of the Soviet state in Uzbekistan: causes of origin and tragic consequences’]. Collection of scientific articles. Tashkent. Pp. 107-112.

Муаллиф ҳақида маълумот:

ТЎРАХЎЖАЕВ Саидмурод Саидвоққосович – Андижон давлат университети Ўзбекистон тарихи кафедраси таянч докторанти. said1986@gmail.com